

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

7-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ
СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ
ТҮҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш методологияси түғрисида маълумотлар тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижалари

Статистик маълумотларни ишлаб чиқиши бўйича методологик маълумот.

1.3. Хизмат қўрсатиши органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳукуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси түғрисида”ги 441-II-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш түғрисида”ги 8-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Давлат органлари, халқаро ташкилотлар, бошқа манбаатдор шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига мурожаат қилингандан – кечаю кундуз.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Ўрнатилмаган.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни ҳабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига мурожаат қилган ҳар қандай шахсга статистик маълумотларни ишлаб чиқиш методологияси тўғрисида маълумотлар тақдим этилади.

2.2. Кенг миқёсда ҳабардор қилиш

Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш методологияси тўғрисида маълумотлар Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Услубий материаллар” қисмида жойлаштирилган.

2.3. Сўров бўйича ҳабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма хужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма хужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиши жойи ҳақида ҳабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

2.5. Фойдаланиладиган хужжат бланклари (шакллар)

Услубий қўлланмалар ва бошқа материаллар.

3. Хизмат кўрсатиши

3.1. Иш вақти

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;
Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Ўрнатилмаган.

4. Хизмат кўрсатиши тартиби

4.1. Зарур хужжатлар

Талаб этилмайди.

4.2. Хизмат ҳақи

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Статистик маълумотларни методологик ишлаб чиқарилиши тўғрисида маълумот олиш учун, www.stat.uz сайтга кириш лозим. Ўнг тарафдаги “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Услубий материаллар” қисмини танлаш керак.

4.4. Давлат хизматини кўрсатиша ички идоравий жараёнлар

- 1) Тармоқ статистика бошқармалари статистик маълумотларни қайта ишлашнинг методологик асосларини ишлаб чиқадилар.
- 2) Статистика ишларини ташкил этиш ва методология бошқармаси ҳар бир методологик ҳужжатни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текшириб чиқади.
- 3) Тасдиқланган методологик материаллар Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида жойлаштирилади.

4.5. Рад этиш асослари

Ўрнатилмаган.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиши сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартиба тўлиқ жавоб беради.

5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.

Давлат хизматини кўрсатиш схемаси


Статистик маълумотларни ишлаб чиқиши методологияси тўғрисида маълумотлар тақдим этиши



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичida ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичida олинаётган хужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи

**Статистик маълумотларни ишлаб чиқиш методологияси тўғрисида
маълумотлар тақдим этиш**



	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичидаги номи келтирилган.
	Доира (овал) – обьектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичидаги олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.